ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” КАФЕДРАСИ

# ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ

## ТУШУНТИРУВ ЁЗУВИ

**Мавзу:** **Косонсой туманидаги маиший хизмат КҲКнинг ётоқхона биносини капитал таъмирлаш**


Битирувчи: 42-БИҚ-10 гуруҳ талабаси

**Абдурахмонов Нозимжон**

Диплом лойиҳа иши раҳбари: **С.Абдурахмонов**

“Бинолар ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти


Наманган – 2014 йил

**Мундрижа**

Кириш

Қурилиш меъморчилик

Ҳисоб- конструктив

Қурилишни ташкил қилиша режалаштириш

Қурилиш иқтисодиёти

Хаёт фолияти хавфсизлиги

Атроф-муҳит мухофазаси

Фойдаланилган адабиётлар

Илова

## Оглавление

Кириш ........................................................................................................ 4

ҚУРИЛИШ МЕЪМОРЧИЛИГИ ..................................................................... 6

Йиғма темирбетон зина ва майдончаси ҳисоби ............................................ 9

Қурилиш ишларида меҳнат муҳофазаси ...................................................... 28

Капитал таъмирлаш ишларини бажаришда атроф муҳитни муҳофазалаш тадбирлари ............................................................................................. 32

Фойдаланилган адабиётлар руйхати ............................................................ 35

# Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиѐтига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мамлакатимиз ҳаѐтининг турли жабҳаларида эришилаѐтган натижаларнинг йилдан-йилга тобора салмоқли ва аҳамиятли бўлиб бораѐтганлиги мустақил тараққиѐт даврида амалга оширилаѐтган кенг қамровли ислоҳотларнинг пухта ва асосли эканлигини, энг муҳими, улар негизида фуқароларимизнинг орзу-умидлари ва манфаатлари ўз аксини топганлигини яққол намоѐн этмоқда. Иқтисодиѐтимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Жамиятнинг буюк келажагини яратишда босиб ўтилаѐтган ҳар бир йил ўзига хос ҳисса қўшиши, юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида алоҳида поғона бўлиб хизмат қилиши эътиборлидир. Айни пайтда, ўтган йилда мамлакат миқѐсида эришилган ютуқ ва натижаларни ўрганиш, келгусида янада юксакроқ марраларни қўлга киритиш борасидаги устувор йўналишларни белгилаш ижтимоий-иқтисодий тараққиѐтни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Кириш кисмида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тухталган.

Диплом лойиҳа ишини бажаришда бинони капитал таъмирлаш қилиш технологияси, капитал таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва бажариладиган ишларнинг хавфсизлик техникасини таъминлаш масалаларини ёритиш орқали

талабалар турар жойи биносида капитал таъмирлаш ишларини бажариш лойиҳасини ишлаб чиқилган.

Бино капитал таъмирлаш лойиҳасида меъморчилик қисмида бинонинг ҳажмий-режавий ечими замонавий ускуналарни ўрнатиш талабларидан келиб чиқиб ҳамда жаҳон стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилган шу билан бирга конструктив ечим, зилзилабардошлигини таъминлашга қаратилган ечимлар қабул қилинган. Қурилишни ташкил қилиш ва режалаштириш бўлимида лойиҳаланаётган бинони капитал таъмирлашси учун умумий меҳнат сарфи, машиналарга бўлган талаб ҳамда қурилиш муддати аниқланди. Қурилиш иқтисоди қисмида бинонинг объект смета қиймати, умумий смета қиймати, қурилиш муддатини қисқартиришдан олинган иқтисодий самара аниқланди. Атроф муҳит муҳофазаси бўлимида капитал таъмирлаш жараёнида атроф-муҳитга таъсирни миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда атроф муҳитни муҳофазалашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

## ҚУРИЛИШ МЕЪМОРЧИЛИГИ

Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи Наманган вилояти Косонсой тумани Гулобод массивида жойлашган. Диплом лойиҳаси топшириғига кўра мавжуд ётоқхона биносини капитал таъмирлаш лойиҳаси амалга оширилди.

Мавжуд бинони капитал таъмирлашда бажариладиган асосий қурилиш-монтаж ишлари қуйидагилардан иборат:

- Томни таъмирлаш, кобилкаларни ўстириш;
- Эшик ва деразаларни замонавий "Акфа" русумли эшик ва деразаларга алмаштириш;
- Бинонинг пол конструкциялари эскирганлиги сабабли уларни алмаштириш;
- Ички а ташқи пардозлаш ишларини бажариш;
- Деворларни кучайтириш.

Бино класси – II; бино узоқ яшовчанлик даражаси – II; Асосий юк кўтарувчи конструкциялар ёнғинбардошлик даражаси – II.

Қурилиш меъморчилиги қисми қуйидаги бўлимлардан иборат:

1.Қурилиш майдонининг асосий тавсифномалари

2.Участка бош режаси

3.Мухандислик ускуналари

4.Бош режа асосий кўрсаткичлари

5.Асосий технологик жараён

6.Ҳажмий-режавий ечим

7.Конструктив ечим

**Бош режа асосий кўрсаткичлари**

| | | |
|---|---|---|
| 1.Участка майдони | - | кв.м |
| 2.Қурилиш майдони | - | кв.м |
| 3.Асфальт копламали йўл ва майдонлар | - | кв.м |
| 4.Кўкаламзорлаштирилган майдон | - | кв.м |

5.Қурилиш фоизи -

6.Кўкаламзорлаштириш фоизи -

## 3.Асосий технологик жараён

Лойиҳаланаётган бинонинг асосий функционал вазифаси ўқувчиларни яшашини таъминлаш ҳамда уларнинг дам олиши учун қулай шароитни таъминлашдан иборат.

Бинони лойиҳалашда бинога кириб чиқиш йўллари эвакуация қилиш шартлари асосида қайта кўриб чиқилди.

## 4.Ҳажмий-режавий ечим

Капитал таъмирланаётган бинонинг режадаги ўлчами 14х44,8 м, тўрт қаватли, кават баландлиги 3,1 м ни, бинонинг умумий баландлиги 14,91 м ни ташкил қилади.

Бинога кириш олд ва ён томондан амалга оширилади.

Бино ертўла қисми асосан омбор сифатида фойдаланилади.

Бинонинг биринчи қаватида 9 та 2 кишилик ва 3 кишилик хоналар, ошхона, санузел, душ ва ювиниш хоналари жойлашган. Хоналарни функционал белгиланиши ва уни режада жойлашиши яшаш учун қулайлик келиб чиқиш мақсадида жойлаштирилган. Бинонинг ҳажмий-режавий ечими йўлак типида бўлиб, хоналар йўлакнинг ҳар иккала томонида жойлашган. Хоналар секция кўринирщида жойлашган. Битта секцияда битта 2 кишилик ва битта 3 кишилик хоналар жойлашган ва улар умумий кириш қисмига эга.

Бинонинг қолган қаватларининг ҳажмий режавий ечими такрорланувчи бўлиб ҳар бир қаватда 9 та секция мавжуд, ҳар бир қаватда душ, ювиниш хонаси, санузел, дам олиш хоналари мавжуд.

Бинонинг ҳажмий-режавий ечими бевосита бинога қўйилган функционал талаб асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда бинонинг фазовий ориентацияси, кун давомида қуёшнинг бинога тушиш бурчаги, кириш ва чиқиш йўллари, эвакуация шарт-шароитлари ҳисобга олинган.

## 5.Конструктив ечим

Лойиха индустриал қурилиш маҳсулотлари катологи асосида ишлаб чиқилган. Бино асосий юк кўтарувчи деворлари пишиқ ғиштдан бўлиб, асосий юк кўтарувчи элементлари бўйлама йўналишдаги ғишт деворлар, ораёпма ва томёпма плиталаридан иборат. Капитал таъмирлаш лойиҳасида асосий юк кўтарувчи конструкцияларни бузиш ёки уларни демонтаж ишларини амалга ошириш кўзда тутилмаган. Чунки бино текширилганда унинг асосий юк кўтарувчи элементларида бузилиш, дарз, ёриқ ёки чўкишлар қайд этилмаган. Капитал таъмирлаш ишларининг асосий қисмини хоналарни қайта кўриб чиқиб, ҳажмий-режавий ечимни муқобиллаштириш, яъни баъзи пардеворларни алмаштириш ишлари амалга оширилади. Бинодаги эшик ва деразалар замонавий талабалар асосидаги алюмин профилли эшик ва деразаларга алмаштириш кўзда тутилган. Бунда уларнинг узоқ муддат давомида ўз хусусиятларини ўзгартирмасдан ишлаши мумкинлиги ва бино ичидан иссиқликни йўқолишини олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Капитал таъмирлаш ишлари давомида пол конструкцияларини аксарият қисми алмаштирилади.

Капитал таъмирлаш лойиҳасида асосий ўринлардан бири том тўшамасини таъмирлаш ҳисобланади.

Асосий юк кўтарувчи девор конструкцияларини дераза ва эшик ёнларини кучайтириш амалга оширилади.

## Йиғма темирбетон зина ва майдончаси ҳисоби

**Лойиҳалаш учун топшириқ.**

Жамоат биноси учун мўлжалланган зинапоя учун эни 1,35 м бўлган темирбетон зинапоя зинасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш топширилган. Қават баландлиги 3 м. Зинанинг қиялик бурчаги $\alpha\approx30°$, зина поғонаси ўлчами 15x30 см. Бетон синфи B25, каркаслар учун арматура класси A-II, тўрлар учун Bp-I.

**Ечиш. Юклама ва зўриқишларни аниқлаш.**

Турар-жой ва жамоат бинолари қурилиши учун мўлжалланган йиғма буюмлар катологига кўра зинанинг горизонтал проекцияга тушадиган хусусий оғирлиги $g^n$=3,6 кН/м$^2$ ни ташкил қилади. Турар-жой ва жамоат биноларини зинасига тушадиган юклама $p^n$=3,0 кН/м$^2$ ни ташкил қилади, юклама бўйича ишончлилик коэффициенти $\gamma_n$=1,2; давомий таъсир этувчи вақтинчалик юклама $p^n_{ld}$=1,0 кН/м$^2$.

Зина 1 м узунлигига таъсир этувчи ҳисобий юклама

$$q=\left(g^n\gamma_f+p^n\gamma_f\right)a=(3{,}6\cdot1{,}1+3\cdot1{,}2)1{,}35=10{,}3\ кН/м$$

Зина ўртасидаги ҳисобий эгувчи момент

$$M=\frac{ql^2}{8\cos\alpha}=\frac{10{,}3\cdot3^2}{8\cdot0{,}867}=13{,}3\ кН\cdot м$$

Таянчдаги қирқувчи куч

$$Q=\frac{ql}{2\cos\alpha}=\frac{10{,}3\cdot3}{2\cdot0{,}867}=17{,}8\ кН$$

**Зина кесими ўлчамларини белгилаш.**

Оғма ёриқлар оралиғидаги қия полоса бўйича элемент мувстаҳкамлигини қуйидаги формула ёрдамида текширамиз

$$Q\le0{,}3\varphi_{w1}\varphi_{b1}R_b\gamma_{b2}bh_o$$

бу ерда

$\varphi_{wi} = 1 + 5\alpha\mu_w = 1 + 5 \cdot 7{,}75 \cdot 0{,}0044 = 1{,}17$

$\varphi_{bi} = 1 - 0{,}01 \cdot 14{,}5 \cdot 0{,}9 = 0{,}87$

Q=17000<0,3*·1,17·0,87·14,5·0,9·16·14,5(100)=93000 Н;*

Шарт қаноатлантиради, зинанинг қия кесим бўйича мустаҳкамлиги таъминланди.

Зина плитасини даметри 3 мм ли Вр-I классли арматура билан s=100 мм ли қадамдаги С-1 тўр билан арматураланади. Плита Зина поғоналари Билан монолит боғланган ва унинг юк кўтариш қобилияти зина поғоналарининг ишини ҳисобга олганда таъминланади. Зина поғонасига ўрнатиладиган ишчи арматура поғонанинг узунлиги 1-1,4 м бўлганда, ташиш ва монтаж пайтидаги таъсир қиладиган юкламаларни ҳисобга олган ҳолда 6 мм олинади. Тақсимловчи арматурани ҳам диаметрини 6 мм, қадамини 200 мм белгилаймиз.

**Темирбетон зина майдончаси ҳисоби**

**Лойиҳалаш учун маълумотлар.** Икки зинали зинапоя майдончасини ҳисоблаш ва конструктивлаш талаб қилинади. Плита эни 1350 мм, қалинлиги 60 мм, Зина катагини эни 3 м. Вақтинчалик меъёрий юклама 3 кН/м$^2$, юклама бўйича ишончлилик коэффициенти $\gamma_f=1{,}2$. Бетон синфи В25, каркаслар учун арматура класси А-II, тўрлар учун Вр-I.

**Ечиш. Юкламани аниқлаш.**

Қалинлиги $h_f'=6$ *см* бўлганда плитанинг хусусий меъёрий оғирлиги; $g_n=0{,}06\cdot25000=1500$ *Н/м*$^2$; плитанинг ҳисобий оғирлиги $g=1500\cdot1{,}1=1650$ *Н/м*$^2$; рўпарадаги қобурғанинг ҳисобий оғирлиги (плита оғирлигини ҳисобга олмаганда) q=(0,29·0,11+0,07·0,007)1·25000·1,1=1000 Н/м; четки девор олди қобирғанинг ҳисобий оғирлиги q=0,14·0,09·1·25000·1,1=350 Н/м. Вақтинчалик ҳисобий юклама Р=3·1,2=3,6кН/м$^2$.

Зина майдончасини қуйидаги элементларини ҳисоби бажарилади: қобирғага қистириб маҳкамланган токча, зина поғонаси таянадиган рўпарадаги қобирға ва плита токчасини ярмидан тушаётган юкламани қабул қилувчи девор олди қобирғаси.

**Плита токчаси ҳисоби.**

Вр-I классли, диаметри 3 мм ли арматурани қадами s=200 мм қадамда ўрнатилган С-1 тўрни ўрнатамиз, арматура юзаси $A_s$=0,36 см$^2$. Тўр таянчларда юқори қисмга қаратиб букилади.

**Рўпарадаги қобирға ҳисоби.**

$$A_0 = \frac{M\gamma_n}{b'_f h_0^2 R_b \gamma_{b2}} = \frac{755000 \cdot 0,95}{48 \cdot 31,5^2 \cdot 14,5(100)0,9} = 0,0117;$$

**жадвалдан** $\eta = 0,993; \ \xi = 0,0117$

$$A_s = \frac{M\gamma_n}{\eta h_0 R_s} = \frac{755000 \cdot 0,95}{0,993 \cdot 31,5 \cdot 280(100)} = 0,82 \ см^2;$$

Конструктив шартларни ҳисобга олган ҳолда 2Ø10 А-II, $A_s$=*1,57* см$^2$ қабул қиламиз. Арматуралаш фоизи $\mu = \frac{A_s}{bh_o}100 = \frac{1,57}{12 \cdot 31,5}100 = 0,42\%$

**Рўпарадаги қобирғани кўндаланг кучга қия кесим бўйича ҳисоблаш. Q=8,93 кН.**

Ҳисоб натижасидан кўриниб турибдики, кўндаланг арматура ҳисоб бўйича талаб қилинмайди.Конструктив талаблар асосида А-I классли диаметри 6 мм ли арматурани 150 мм қадамда (консоли чиқиқда эгувчи момент борлигини ҳисобга олган ҳолда) ўрнатамиз.

Йиғма зина таяниши учун мўлжалланган консолли чиқиқни С-2 тўр билан арматуралаймиз. С-2 тўрда А-I классли диаметри 6 мм ли арматурани

қўллаймиз, бу тўрни кўндаланг стерженларини қобирғанинг К-1 каркасига хомут ёрдамида бириктириб қўйилади.

## Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш

Косонсой туманидаги маиший хизмат КҚКнинг ётоқхона биносини капитал таъмирлаш учун умумий мехнат сарфи (одам/кун ) машиналарга бўлган талаб ( маш/кун) ни аниқлаш

**Ж А Д В А Л И**

| № | Ишларнинг номи | ЕНИР | Иш хажми | | Сарфланган меҳнат | | | Элошилонга талаб | | | Ишни бажариш учун маш/соат | Смена сони | Сменадаги ишчилар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Иш хажмининг бирлиги | Сони | Звено таркиби | Бирлик хажми учун вакт бирлиги | Тўла хажм учун вакт бирлиги | Машина ва механизм номи | Бирлик хажм учун маш/соат | Тўла хажм учун маш/соат | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| | Таёргарлик ишлари | | | | | | 65.1 | | | | | | |
| | Умум қурилиш ишлари | | | | | | | | | | | | |
| | 1.деразa эшиклар | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Дереза преплетларини тамиҳлаш, профилланган брусларни алмаштириш билин | §20-1-128 | 1 та брус | 448.0 | Дуродгор 4р-1;3р-1 | 6.3 | 352. | | | | 44 | 1 | 8 |
| 2 | Дераза проемларини олиш,ойнаги билан | §20-1-127 | 1-та табақа | 336.0 | Дуродгор3р-1;2р-1 | 0.2 | 8.400 | | | | 4 | 1 | 2 |
| 3 | Дераза подохоннилларини олиш | §20-1-0127 | 1-дона | 112.0 | Дуродгор3р- | 0.28 | 3.9 | | | | 2 | 1 | 2 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1;2р-1 | | | | | | | | |
| 4 | Деразада ошиқ-мошиқларни олиш ва қайта қўйиш | §20-1-128 | 1-та табақа | 336 | Дуродгор 4р-1;3р-1 | 0.73 | 30.7 | | | | 8 | 1 | 4 |
| 5 | Эшик табақаларини таҳмирлаш горизонтал ва кесакиларини алмаштириш билин | §2-1-21 | 1-та брус | 153.0 | Маш 5р-1 | 4.1 | 78.4 | | | | 20 | 1 | 4 |
| 6 | Эшик коробларини ажратиш | §20-1-127 | 1-та табақа | 51.0 | Дуродгор 3р-1;2р-1 | 0.62 | 4.0 | | | | | | |
| 7 | Эшикка ошиқ-мошиқларини очиш ва қайта қўйиш | §20-1-128 | 1-та табақа | 51.0 | Дуродгор 3р-1;2р-1 | 1.7 | 10.8 | | | | 4 | 1 | 4 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8 | Қўш переблетли дераза блокини ўрнатиш | § 6-1-14 | 100м првм | 0.9 | Дуродгор 4р-1;3р-1 | 5.8 | 0.6 | | | | | | |
| 9 | Эшик блокларини ўрнатиш | | | | | | | | | | | | |
| | Битта эшикни коропкасини ўрнатиш | § 6-1-14 | 100м првм | 2.8 | Дуродгор 4р-1;2р-1 | 9.6 | 3.4 | | | | | | |
| | Энли қўш певплетли эшикни ўрнатиш | § 6-1-14 | 100м првм | 0.4 | Дуродгор 4р-1;2р-1 | 11.5 | 0.6 | | | | 4 | 1 | 4 |
| 10 | Эшик ва деразаларна ойнак ўрнатиш | | | | | | | | | | | | |
| | Ойнак қирқиш | §8-36 | 100м фолотс | 3.7 | Ойнакчи 3р-1;2р-1 | 1.15 | 0.5 | | | | | | |
| | Ойна солиш | §8-36 | 100м фолотс | 3.7 | Ойнакчи 3р-1;2р-1 | 26 | 12.1 | | | | | | |
| | **2 ПОЛ** | | | | | | | | | | | | |
| 11 | Лилоним ва пелин полларини кўчириш | § Е 20-1-85 | 100м2 | 1.1 | Пордозловчи 2р-1; | 9 | 1.3 | | | 1 | 10 | 1 | 6 |
| 12 | Сопол рилиткаларни кўчириш | § Е 20-1-63 | 1м2 | 669.0 | Пордозловчи 2р-1; | 0.72 | 60.2 | | | | | | |
| 13 | Қолинлиги 20мм белон қоришмадан қатлам ётқизиш | § 19-30 | 100м2 | 5.3 | Бетончи 3р-1;2р-1 | 17.5 | 11.7 | | | | 3 | 1 | 4 |
| 14 | 13 мм қолинликдаги сопол плитадан пол ётқизиш | § 19-20 | 1м2 | 533.0 | Белончи 4р-1;3р-1 | 1.2 | 80.0 | | | | 10 | 1 | 8 |
| 15 | Асосни грунтопка қилиш ва лилоним ётқизиш | § 19-16 | 1м2 | 139.0 | Облистовкачи 4р-1;2р-1 | 0.22 | 3.8 | | | | 4 | 1 | 2 |
| 16 | Плинтус ўрнатиш 3.паденорлар | § 19-14 | 100м2 | 1.4 | Дуродгор 3р-1; 2р-1 | 16 | 3.3 | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 17 | Қалинлиги ½ ғиштли арматураланган паробуор териш 4. том | § 3-11 | 1 м2 | 226.0 | Ғишт терувчи 4р-1;2р-1 | 0.61 | 17.2 | | | | 4 | 1 | 4 |
| 18 | Рубероидли томни бузиш | § Е 20-1-107 | 100м2 | 7.6 | Сомсонг 3р-1;2р-1 | 7 | 6.6 | | | | 2 | 1 | 4 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 19 | Қалинлиги 250 мм гача бўлган бетоен қопламаси бузиш ва тозалаш | § Е 20-1-63 | 1м2 | 706.0 | Бетончи 2р-1 | 1.1 | 97.1 | | | | 12 | 1 | 8 |
| 20 | Керомели иссиқлагични олиш | § Е 20-1-63 | 1м2 | 706.0 | Томсоз 3р-1;2р-1 | 0.75 | 66.2 | | | | 8 | 1 | 8 |
| 21 | Томга ёғоч ва стропиллакрни ўрнатиш | § 6-1-8 | М3 | 19.0 | Дуродгор 4р-1;3р-1;1р-1 | 31.33 | 74.4 | | | | 9 | 1 | 8 |
| 22 | Отсинкали тункадан жўлибалар ўрнатиш | § 7-8 | 1м2 | 139.0 | Томсоз 4р-1 | 0.2 | 3.5 | | | | | | |
| 23 | Томни СВ-1750русумли асбест шифирлар билин қоплаш | § 7-8 | 1м2 | 791.0 | Томсоз 4р-1;2р-1 | 0.19 | 18.8 | | | | 6 | 1 | 4 |
| | 5 ички ва ташқи пардозлаш | | | | | | | | | | | | |
| 24 | Цмент қоришмали сувоқни олиб ташлаш | § Е 20-1-181 | м2 | 2565 0 | Сувоқчи 2р-1 | 0.22 | 70.5 | | | | 9 | 1 | 8 |
| 25 | Деворларни механик усулда сувоққа таёрлаш | | | | | | | | | | | | |
| | Девор ва пардеворларни | § Е8-1-1 | 100м2 | 27.3 | Сувоқчи 3р-1 | 16 | 54.6 | | | | 7 | 1 | 8 |
| 26 | Девор ва пардеворларни сифатли сувоқ қилиш | § 7-8 | 1м2 | 1606. 0 | Сувоқчи 4р-1;3р-1 | 0.6 | 120.5 | | | | 15 | 1 | 8 |
| 27 | Откосларни сувоқ қилиш | § 8-8 | 1м2 | 122.3 | Сувоқчи 4р-1;2р-1 | 2 | 30.6 | | | | 8 | 1 | 4 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 28 | Ёлимли қўшимчалар билан сифатли бўёқ қилиш | § 8-24 | 100м2 | 18.7 | Бўёқчи 3р-1 | 15.8 | 37.0 | | | | 9 | 1 | 4 |
| 29 | Ёлимли қўшимчалар билан сифатли бўёқ қилиш | § 8-24 | 100м2 | 3.0 | Бўёқчи 4р-1 | 11.6 | 4.4 | | | | 2 | 1 | 2 |
| 30 | Рангли плиткаларни деворга ёпиштириш | § 8-20 | 1м2 | 56.0 | Плитка ёпиштирувчи 4р-1;3р-1;2р1 | 1.55 | 10.9 | | | | 1 | 1 | 2 |
| 31 | Ташқи девор юзасини ристелот ёрдамида люлкада туриб цмантли қоришмада бўяш | § 8-1-18 | 100м2 | 11.3 | Бўёқчи 3р-1 | 16.9 | 23.8 | | | | | | |
| 32 | Умумий мехнат сарфи | | | | | 1302.4 | | | | | | | |
| 33 | Умумий турли ишлар мхнат сарфи 15% | | | | Турли касб эгалари | | 195.4 | | | | | | |
| 34 | Сон – тэхник ишлари 8 % | | | | Сон-тэхник | | 104.2 | | | | | | |
| 35 | Элэктромантаж ишлари 5% | | | | Элэктирик | | 65.1 | | | | | | |
| 36 | Кўкаламзорлаштириш 8 % | | | | Турли касб эгалари | | 104.2 | | | | | | |
| 37 | Таёрлов ишлари 6 % | | | | Турли каб эгалари | | 78.1 | | | | | | |
| | | | | | | | 1914.5 | | | | | | |

## Қурилиш мантаж ишларининг қимати 89719.0 минг сўм

| № | Прейшуронт бохолар норматив хужжатларн | Ишлар ва харажатлар номи | Иш ўлчов бирлиги | Иш хажми Машэкс маш ст иш хакқи | Бирлик қиймати | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | Жами | Иш хакқи | Маш.экс маш ст иш хаққи | Жами | Иш хаққи | Маш.экс маш ст иш хаққи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | | 1-бўлим .дераза ва эшик | | | | | | | | |
| 1 | Е 46-04-012-1 | Дераза блокини бузиб олиш | 100м3 | 3.353 | 1680.09 | 1525.29 | 154.8/81.89 | 5634.0 | 5114.9 | 519.1/274.6 |
| 2 | Е 46-04-012-3 | Эшик блокини бузиб олиш | 100м2 | 2.093 | 995.43 | 840.63 | 154.8/81.89 | 2082.9 | 1759.0 | 323.6/171.4 |
| 48 | Е 10-23-1 | Юзаси 3м2 гача бўлган эшик блокларини ўрнатиш | 100м2 | 2.093 | 244.76 | 77.51 | 67.17/118.13 | 512.2 | 162.2 | 140.6/37.9 |
| 49 | С 123-246 | Уларнинг номи | М2 | 209.3 | 20.9 | | | 4373.3 | | |
| 50 | Е111-889 | Уларнинг пробирлари 1-таба-ли учун | комп | 45 | 5.68 | | | 225.6 | | |
| 51 | Е 111-895 | Уларнинг пробирлари 2-таба-ли учун | комп | 25 | 6.11 | | | 152.8 | | |
| 52 | Е 10-20-1 | Юзаси 3м2 гача бўлган дераза ромларини ғишт обвор-га ўрнатиш | 100м2 | 3.353 | 523.78 | 135.7 | 21.67/7.37 | 1756.4 | 455.1 | 72.7/24.7 |
| 53 | Е 123-267 | Деразалар нархи | М2 | 335.3 | 13.8 | | | 4627.7 | | |
| 54 | Е 111-943 | Уларнинг пробирлари | комп | 111 | 25.29 | | | 2807.2 | | |
| | | 1-бўлим бўйича Жами | | | | | | 22202.1 | 7491.2 | 1056.2/508.6 |
| | | 2-бўлим поллар | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Е 46-04-010-4 | Лилоним ва влин полларни бузиш | 100м2 | 1.1 | 159.12 | 159.12 | | 175.0 | 175.0 | |
| | Е 46-04-011-02 | Сопол плиткали полни бузиш | 100м2 | 6.69 | 386.59 | 329.83 | 56.76/4.87 | 2586.3 | 2206.6 | 379.7/32.6 |
| 38 | Е 11-269 | 20мм қалинилкдаги бнтон қоплама ётқизиш | 100м2 | 5.3 | 46.61 | 2.9 | | 247.0 | 15.4 | |
| 39 | Е 14-15-1 | 30мм қалинликда цментли қоплама ётқизиш | 100м2 | 5.3 | 24.91 | | | 132.0 | | |
| 40 | Е 11-15-2к-2 | Хар бир ўзгарган 5мм учун қўшилади | 100м2 | 5.3 | 192.71 | 26.79 | 8.93/2.83 | 1021.4 | 142.0 | 44.5/15.0 |
| 41 | С 608-68 | Қоришма 4.4 м3 | М3 | 23.32 | 45.99 | 1.73 | 0.75/0.26 | 1072.5 | 40.3 | 17.7/6.1 |
| 43 | Е 11-273 | Сопол плиткадан пол қилиш | 100м2 | 5.33 | 745.44 | 87.74 | 6.66/2.24 | 3973.2 | 467.7 | 35.5/11.9 |
| 45 | Е 11-4-Г1 | Битум мостикадан гидроизолация қилиш | 100м2 | 5.33 | 184 | 43.93 | 10.48/3.53 | 980.7 | 234.1 | 55.9/18.8 |
| 43 | Е 11-36-1 | Лилоним пол ётқизиш | 100м2 | 1.39 | 706.25 | 29.9 | 2.79/0.94 | 981.7 | 41.6 | 3.9/1.3 |
| | | 2-бўлим бўйича жами | | | | | | 11169.8 | 3322.7 | 337.1/85.7 |
| | | 3-бўлим .Том | | | | | | | | |
| 27 | Е 46-04-008-1 | Руброидли томни бузиш | 100м2 | 7.1 | 153.59 | 112.16 | 41.43 | 1090.5 | 796.3 | 294.2/0.0 |
| 32 | Е 10-5-1 | Том стопилласини брусолон устунларини хосил қилиш | М3 | 12.1 | 258.87 | 17.82 | 1.8/0.61 | 3132.3 | 215.6 | 21.8/7.4 |
| 33 | Е 10-14-1 | Стропилани хосил қилиш | М3 | 6.9 | 245.33 | 17.37 | 1.9/0.65 | 1692.8 | 119.9 | 13.1/4.5 |
| 34 | Е 12-8-1 | Қалинлиги 0.7 ммли остинкали | 100м2 | 1.39 | 53.08 | 11.1 | 0.90/0.0 | 73.8 | 15.4 | 0.1/0.0 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | пўлатдан жўлибалар,ташқи поологонниклар,сув қувурлари хосил қилиш | | | | | 3 | | | |
| 35 | Е 10-51-1 | Ёғоч конструксияларни ёнғиндан химоя қилиш | 10м3 | 1.9 | 57.28 | 6.54 | 1.59/0.54 | 108.8 | 12.4 | 3/1 |
| 36 | Е 12-7-3 | Тоёр прогон устида осбестоцментли тўлқин симон силтларни ўрнатиш | 100м2 | 7.91 | 314.398 | 35.07 | 3.29/1.11 | 2486.9 | 277.4 | 260/8.8 |
| | | 3-бўлим бўйича жами | | | | | | 8585.1 | 1437.1 | 358.2/21.7 |
| | | 4-бўлим пордоз ишлари | | | | | | | | |
| 55 | Е 46-02-009-2 | Цмент қоришмали сувоқни олиб тошлаш | 100м2 | 26.65 | 178 | 178 | | 4565.7 | 4565.2 | 0.0/0.0 |
| 55 | Е 15-201-4 | Ойнак қирқиб солиш | 100м2 | 6.707 | 590.61 | 35.76 | 1.76/0.59 | 3961.1 | 239.8 | 11.8/4 |
| 56 | Е 15-65-1 | Откосларни сувоқ қилиш | 100м2 | 1.223 | 353.95 | 159.85 | 3.66/1.22 | 423.9 | 195.5 | 4.5/1.5 |
| 57 | Е 15-61-3 | Девор ва пар обнорларни сувоқ қилиш | 100м2 | 16.06 | 172.63 | 69.35 | 10.11/5.46 | 2772.4 | 1113.8 | 162.4/87.7 |
| 58 | Е 15-165-8 | Деворларни ёғли қўшимчалар билан бўёқ қилиш | 100м2 | 3 | 126.18 | 40.02 | 1.09/0.36 | 378.5 | 120.1 | 3.3/1.1 |
| 59 | Е 15-151-2 | Елимли қўшимчалар билан бўёқ қилиш | 100м2 | 18.7 | 12.99 | 8.05 | 0.09/0.03 | 242.9 | 150.5 | 1.7/0.6 |
| 60 | Е 15-511 | Перехлорвинил бўёқлар билан бўёқ қилиш | 100м2 | 11.3 | 12 | 7.7 | 0.03/0.01 | 52.1 | 5.7 | 0.0/0.0 |
| 61 | У 15-17-3 | Сопол пилиткаларни обнорга ёпиштириш | 100м2 | 0.032 | 1628.36 | 178.25 | 1.22/0.41 | 52.1 | 5.7 | 0.0/0.0 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 4-бўлим бўйича жами | | | | | | 12541.3 | 6478.1 | 184.0/94.9 |
| | | Хамма бўлимлар бўйича Жамим | | | | | | 54498.3 | 18729.0 | 2135.6/710.9 |
| | | Хисобга олинмаган ишлар ва харажатлар 10% | | | | | | 5449.8 | 1872.9 | 213.6/71.1 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | | | | | | 59948.1 | 20601.9 | 2349.1/782.0 |
| | | Иш хаққига каефцент к=1.15 | | | | | | 68940.4 | 23692.2 | 2701.5/899.3 |
| | | Устама харажатлар 20.5% | | | | | | 14132.8 | | |
| | | Жами | | | | | | 83073.1 | 23692.2 | 2701.5/899.3 |
| | | Режали жамғарма 8% | | | | | | 6645.9 | | |
| | | Смета бўйича жами | | | | | | 89719.0 | 23692.2 | 2701.5/899.3 |
| | | Янги нархларга ўтиш К=100 | | | | | | 89718998.1 | 23692185.8 | 2701516.8/899335.5 |

**смета қиймати 119095,1 минг.сўм**

**бино ҳажми 6103,0 м$^3$**

| № | Сметалар номи | Иш ва харажатлар номи | Қурилиш монтаж ишлари қиймати | | | | | | | 1 м$^3$ қурилиш ҳажмига кетган қиймат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қурилиш ишлари | Монтаж ишлари | Технологик жихозлар ва инвентарлар | Бошқа харажатлар | Жами | Шундан | | |
| | | | | | | | | Асосий иш ҳаққи | *** эксплуатацияси | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 1 | Сокал смета | Умум қурилиш ишлари | 89719,00 | | | | 89719,00 | 23692,19 | 2701,52 | 14700,80 |
| 2 | ИСМ | Иссиқлик Билан таминлаш 6,103*0.61*900 | 3350,55 | | | | 3350,55 | 335,05 | 167,53 | 549,00 |
| 3 | ИСМ | Винтилация 6.103*0.56*900 | 3075.91 | | | | 3075.91 | 307.69 | 153.69 | 504.00 |
| 4 | ИСМ | Совуқ сув таҳминоти6.103*0.45*900 | 2471.72 | | | | 2471.72 | 247.17 | 123.59 | 405.00 |
| 5 | ИСМ | Иссиқ сув таҳминоти 6.103*0.10*900 | 549.27 | | | | 549.27 | 54.93 | 27.46 | 90.00 |
| 6 | ИСМ | Конализация 6.103*0.51*900 | 2801.28 | | | | 2801.27 | 280.13 | 140.06 | 459.00 |
| 7 | ИСМ | Газ таҳминоти 6.103*0.11*900 | 604.20 | | | | 604.20 | 604.20 | 30.21 | 99.00 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **8** | **ИСМ** | **Электор мантаж ишлари 6.103*0.34*900** | **1922.45** | | | | **1922.45** | **192.24** | **96.12** | **315.00** |
| **9** | **12% ҚМИ** | **Тэхналогик қурилмалар ва жихозлар** | | **1076.63** | **9689.65** | | **10766.28** | **2691.57** | **672.89** | **1764.10** |
| | | **Жами:** | **104494.36** | **1076.63** | **9689.65** | **0.00** | **115260.64** | **27861.29** | **41113.18** | **18885.90** |
| **10** | **ИСМ** | **Вақтинчалик бино ва иншоатлар 1.5%** | **1567.42** | **16.15** | | | **1583.56** | | | **259.47** |
| | | **Жами:** | **106061.78** | **1092.78** | **9689.65** | **0.00** | **116844.21** | **27861.29** | **4113.18** | **19145.37** |
| **11** | **ИСМ** | **Қиш ойларига қўшимча 0.55%** | | | | **642.64** | **642.64** | | | **105.30** |
| | | **Жами:** | **106061.78** | **1092.78** | **9689.65** | **642.64** | **117486.85** | **27861.29** | **41113.18** | **12250.67** |
| **12** | **ИСМ** | **Хисобга олинган ишчилар ва ха-2 1.5%** | **1590.93** | **10.93** | | **6.43** | **1608.28** | | | **263.52** |
| | | **Обект смета бўйича Жами:** | **107652.70** | **1103.71** | **9689.65** | **649.07** | **119095.13** | **27861.29** | **41113.18** | **19514.19** |

# ЙИҒМА СМЕТА

смета қиймати **130618,8** минг.сўм

шу жумладан қайтарма қиймати **237,53** минг.сўм

| № | Сметалар номи | Иш ва харажатлар номи | Қурилиш монтаж ишнинг қиймати минг.сўм | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қурилиш ишлари | Монтаж ишлари | Технологик қуйилмалар | Бошқа харажатлар | Жами |
| | | I-боб | | | | | |
| 1 | II-III боб жамидан | 1қурилиш майдонини таёрлаш | | | | | |
| | | А) майдонини ажратиш 0.4% | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | Б) қурилиш майдонини таёрлаш 20% | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | II-боб | | | | | |
| | | Асосий қурилиш обектлари | 107652.70 | 1103.71 | 9689.65 | 649.07 | 119095.13 |
| 2 | 05-1 | III-боб | | | | | |
| 3 | | Ёрдамчи ва хизмат кўрсативчи обҳктлар | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | IV-боб | | | | | |
| 4 | I-II боб жамидан | Энергети хўжалиги обектилари | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | V-боб | | | | | |
| 5 | I-II боб жамидан | Аҳлоқа ва транспор обҳектлар | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | VI-боб | | | | | |
| 6 | I-II боб жамидан | Газ,иссиқлик,конализиаця ва сув таҳминоти иншоатлари 4.2% | 180.46 | | | | 180.46 |
| | | VII-боб | | | | | |
| 7 | I-II боб жамидан | Қурилиш майдони ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш 4% | 171.86 | | | | 171.86 |
| | | VIII-боб | | | | | |
| | | Вақтинчалик бинолар иншоатлар | Харажатлар обект сметада кўзда тутилган | | | | |
| | | I-VII боблар бўйича жами: | 108005.02 | 1103.71 | 9689.65 | 649.07 | 119447.45 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | IX-боб | | | | | |
| 8 | I-VIII боб жамидан | Бошва ишлар ва харажатлар 2% | | | | 2676.44 | 2676.44 |
| | | X-боб | | | | | |
| 9 | I-VIII боб жамидан | Техник ва авторлик назорати 0.2% | | | | 267.64 | 276.64 |
| | | XI-боб | | | | | |
| 10 | I-VIII боб жамидан | Бинодан фойдаланувчи кадирларни таёрлаш 2% | Харажатлар йўқ | | | | |
| | | XII-боб | | | | | |
| 11 | I-VIII боб жамидан | Лойха қидирув ишлари 1.5% | | | | | 2007.33 |
| | | I-XII боблар бўйича жами: | 108005.02 | 1103.71 | 9689.65 | 5600.48 | 124398.86 |
| 12 | I-VIII боб жамидан | Назарда тутилмаган ишлар ва харажатлар 5% | 5400.25 | 55.19 | 484.48 | 280.02 | 6219.94 |
| | | Йиғма смета бўйича Жами: | 113405.27 | 1158.89 | 10174.13 | 58880.50 | 130618.80 |
| | | Шу жумладан қайтарма қиймати 1583.56*0.15 | | | | | 237.53 |

## Қурилиш ишларида меҳнат муҳофазаси

Қурилишда меҳнат муҳофазаси – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария–гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборатдир.

Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабрь 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси (21 декабрь 1995 й), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун» (6 май, 1993й), Давлат стандартлари, низомлар ва нормалар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар ҳамда ҚМҚ 3.01.02-00 “Қурилишда хавфсизлик техникаси” асосида олиб борилади.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси кабул килинди ва у 1996 йил апрель ойидан бошлаб амалда кучга кирди. Ушбу қонунда кўрсатилишича хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига, ёнғин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йўл-йўриқлар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қўлланмаларда кўрсатилган ҳамма талабларга амал қилиши устидан доимий назорат ўрнатиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажариладиган ёки хавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат қилувчи ишчи ва хизматчиларга белгиланган нормада совун, махсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун, сут ёки бошқа хил профилактик озиқ-овқатлар, иссиқ цехларда ишловчилар эса газ-сув билан текин таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 августдаги «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни

ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 154-Б-сонли буйруғи қабул қилинди.

Меҳнат мухофазаси қонунчилиги меҳнат қилиш ва дам олишнинг ҳукукий нормаларини ўз ичига олади ҳамда уларнинг ҳимоя қилиниши кафолатлайди.

Қурилиш майдончасида меҳнат мухофазасини таъминлаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор берилмоғи ва уларни узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш лозим:

- хавфсизлик техникаси – ишловчиларга ишлаб чикаришдаги хафвли факторларнинг таъсир этишининг олдини олувчи ташкилий ва техникавий тадбирлар ҳамда воситалар системасидир;

- ишлаб чиқариш санитарияси – ишловчиларга ишлаб чиқаришдаги зарарли факторларнинг таъсир этишининг олдини олувчи ташкилий, гигиеник ва санитария-техникавий тадбирлар ва воситалар системасидир;

- Ёнғин профлактикаси – ишловчиларни оловдан  (ёнғин ва портлашдан) ҳимоя қлишга қаратилган техникавий ва ташкилий тадбирлар комплексидир.

Ҳар бир қурилиш майдонида иш бошлашдан 3 ой олдин буюртмачи томонидан бош пудрат ташкилотига барча қурилиш лойиҳалари тўлиқ ишланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бу лойиҳалар таркибида уларнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари бўлмоғи шарт ва уларда хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳозирги замон талабларига жавоб бераоладиган ҳолда тўлиқ акс эттирилган бўлиши зарур.

Меҳнат мухофазаси бўйича тадбирлар қуйидаги босқичларда ишлаб чиқилиши лозим.

Ишни бажариш лойихасини тузиш босқичида; техника ҳавфсизлиги ва ишни ҳавфсиз бажариш масалари бўйича аниқ техник ечимлар кўринишида.

Меҳнат мухофазаси бўйича лойиха ечимлар аниқ ва берилган қурилишнинг реал шароитларига мос келиши лозим.

Лойиха хужжатида ишлаб чиқишга тўғри келадиган масалалар уч гуруҳга бўлинади: умуммайдон, технологик ва махсус.

Биринчи гуруҳга: қурилиш майдонини ёритиш системаси, иш жойига ўтиш йўллар, ҳавфли жойларни белгилаш ва тўсиқ қўйиш, харакатдаги электр тармоқлари яқинида хавфсиз меҳнат шароити ташкил қилиш, ишчиларга санитар-гигиена хизматини кўрсатиш масалалари киради.

Иккинчи гуруҳга: қурилиш монтаж ишлари ва операцияларини бажаришда ҳавфсизликни таминлаш бўйича инженерлик ечимлар; барча конструкция элементлари турини монтаж қилиш қўлланмаларидан мукаммал фойдаланиш ва монтаж кранлари ва бошқа механизмларни ҳавфсиз эксплуатация қилиш; электр томонидан зарарланишга қарши тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бу лойиханинг ташкилий қисмлари аниқ ҳисоблар асосида тузилади ва қуйидагилардан иборат бўлади: баландлиги 2 м келадиган ўрама девор, вактинчалик йўл ва йўлаклар, иссиқ ва совуқ сув узатувчи қувурлар, оқава сув қувурлари, электр, алоқа ва радио тармоқлари, ёритгичлар, электр тақсимлагич шкафлар, ҳожатхоналар ва шахсий тозалик ва ювиниш хоналари, дам олиш хоналари, тиббий ёрдам кўрсатиш бурчаги, омборхоналар, муҳандислар хонаси, овқатланиш хонаси, майдонга кириш ва ундан чиқиш дарвозалари, кўтарма кран ва унинг йўли, кран йўли атрофидаги чегараловчи тўсиқ, хавфли муҳит чегарасини билдирувчи панжара тўсиқлар, қурилиш ашёлари сақланадиган ёпиқ ва очиқ омборлар, темир-бетон, ёғоч ва металл мосламалар сақланадиган майдончалар, ёнишга мойил, қурилиш ашёлари ва жиҳозлари сақланадиган ёпиқ омборлар, кўчма ёритгич қурилмалари, ёнғинга қарши гидрантлар ва ўт ўчириш воситалари бурчаги ҳамда овқат чиқиндилари учун қопқоқли қути, ахлат ўраси ва ҳоказолар. Буларнинг барчаси СанҚМ талабларига риоя қилинган ҳолда аниқланади.

Ишлаб чикаришдаги хавфли ва зарарли омиллар ишнинг тури ва мехнат шароитига боғлиқ ҳолда 4 гурухга бўлинади: физикавий, химиявий, биологик ва психофизиологик.

Темирбетон конструкциялар монтажи жараёнида ишчиларга асосан физикавий ва психофизиологик омиллар таъсир этади. Физикавий омиллардан

асосан харакатдаги машина ва механизмлар, уларнинг химояланмаган қўзғалувчи механизмлари, иш жойи хавосининг юкори даражада чангланганлиги, газланганлиги, юкори микдордаги шовкин, титраш, инфратовуш, ультратовуш, ионли ва электр магнитли нурланишлар, статик электр зарядлари, ультрабинафша ва инфракизил нурлар, юкори кучланишдаги электр еки магнит майдонлари, ёритилганлик даражасининг меъердан четга чикиши каби омиллар киради. Психофизиологик омилларга асосан ишчиларни мураккаб шароитда ишлашлари, баландликда ишлаши, йиқилиш эҳтимоллиги катталиги киради.

## Капитал таъмирлаш ишларини бажаришда атроф муҳитни муҳофазалаш тадбирлари

Саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қурилиш саноатининг интенсив ривожланиши инсонни ўраб турувчи табиий муҳит хусусиятларининг анча бузилиши билан биргаликда рўй беради. Шунинг учун иқтисодиётни ривожлантириш манфаатлари кўпинча асосий экологик муоммолари-ҳаёт муҳитининг оптимал(энг қулай) шароитини сақлашга зид келиб қолмоқда. Ҳозирги замоннинг энг мураккаб муаммоларидан бири-иқтисодиётни жадал ривожлантириш билан қулай экологик шароитни сақлаб қолиш ўртасидаги зиддиятни бартараф қилиш муаммосидир.

Ҳавонинг салгина ифлосланиши ҳам жиддий технологик қийинчиликларга сабаб бўлади.Ҳозирги замон корхоналарини жойлаштиришда борган сари табиий комплекслар (ландшафтлар) ҳолати ва сифатини синчиклаб ҳисобга олишга тўғри келмоқда.

Бинони капитал таъмирлаш ишларининг асосий қисми бинонинг сан-техник жиҳозларини алмаштириш жараёни бўлиб, бунда трубалар замонавий пластмасса трубаларга алмаштирилиши режалаштирилган. Пластмасса трубаларни ўрнатишда пайванд ишлари бажарилади.

Қурилиш майдончасини сочилувчи материаллар массасини ортиш-тушуриш ишларида, қурилиш материалларини тайёрлашда, буёқчилик, пайванд ишларини бажаришда атмосферани ифлослантирувчи кўпгина зарарли моддалар ажралади. Пластмасса трубаларни пайванд ишларини бажарганда атмосфера ҳавосига сирка кислотаси ва углерод оксиди ажралади. Бўёқчилик ишларини амалга оширилганда эса эритувчилар буғи ва бўёқ аэрозоли ажралади. Сочилувчи материалларни ортиш-тушуриш ишларини амалга оширилганда эса чанг ажралади. Қуйида юқорида келтирилган қурилиш жараёнларини амалга оширилганда атроф муҳитга салбий таъсирни микдор жиҳатдан баҳолаймиз.

### Полиэтилен қувурларини пайвандлаш технологияси

Полиэтилен қувурларни пайвандлаш қурилмаси центратордан, центраторга маҳкамланадиган планшайба ва торцевателдан иборат.

Полиэтилен қувурларни пайвандлаш жараёнида “Справочник специалиста-эколога промышленных организаций и предприятий” (Расчет выбросов загрязняющих веществ при изготовление и восстановление деталей с применением полимерных материалов) кўра атмосфера ҳавосига углерод оксиди ва сирка кислотаси (этановая кислота) тушади.

$M_{сирка\ кис.}$=0,4 г/кг·0,0051 кг·415/1000=0,001 т/давр ёки 0,012 г/сек,

$M_{CO}$=0,8 г/кг·0,0051 кг·415/1000=0,0017 т/давр ёки 0,021 г/сек,

Газ пайванд ишлари бажарилганда ацетиленли аппаратда ташламанинг миқдори қуйидагича ҳисобланади.

Қурилиш майдончасида чанг ҳосил бўлишига ва унинг инсон организмига зарарли таъсир қилишига қарши кураш тадбирлари қуйидаги йўналишларда олиб борилиши зарур:

1. Чанг ҳосил бўлишини бутунлай йўқотадиган технологик процессларни такомиллаштириш;
2. Аппаратлар, жиҳозлар, элеваторлар, транпортерлар, шнеклар, бункерлар ва ҳакозоларни герметиклаштириш;
3. Қўлда майдалаш, тўйиш, бўшатиш ва бошқа процессларни механизациялаштириш;
4. Қурилишда гидрочангсизлантириш, пневмотранспортерлардан кенг фойдаланиш;
5. Чанг ҳосил бўладиган жойлардан чангни ютувчи махсус сўрувчи қурилмалар ўрнатиш ёки чанг чиқадиган участкаларни изолациялаш;
6. Хоналарни нам усулда тозалаш;
7. Ишловчиларни санитария-маиший хоналар (жумладан, жомакорларни чангсизлантириш хоналари) нинг тўлик комплект билан жиҳозлаш;

8. Ишловчиларни чангдан сақлайдиган жомакор, респираторлар, шлемлар, кўзойнаклар, ҳимоя мазлари билан таъминлаш

Қурилиш майдончасида ва унинг атрофидаги вақтинчалик автомобиль йўллари ўсимлик дунёсига зарар келтирмайдиган қилиб ўтказилиши лойиҳанинг қурилиш бош режасида режалаштирилган.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
2. “2009-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сон қарори.
3. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сонли қарори.
4. “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида” Ўзбекситон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сонли қарори.
5. “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йи 26 октябрдаги 280-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 8 сентябрдаги ПҚ-1403-сон қарори.
7. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 августдаги 154-Б-сонли буйруғи.

8. Асқаров, Бахтиёр Асқарович. Темирбетон ва тош-ғишт конструкциялари : олий ўқув юртларининг талабалари учун дарслик / Бахтиёр Асқарович Асқаров, Шуҳрат Рашидович Низомов . - Тўлдирилган ва қайта ишланган 2-нашри. - Тошкент : Ўзбекистон, 2003. - 432 б.
9. Воҳидов, М. М. Бинолар ва иншоотлар конструкциялари :/ М.М. Воҳидов, Ш.Р. Мирзаев ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази. - Тошкент : Меҳнат, 2003. - 184 б.
10. Воҳидов, М. М. Саноат иншоотлари : олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / М.М. Воҳидов ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Ташкент : [s. n.], 2003. - 184 б.
11. Нанасов, Павел Суренович. Управление проекно-строительным процессом. Теория. Правила. Практика: Учеб. пособ. для студ. обуч. по архитектурно-строит. спец. / П.С. Нанасов. - М. : [б. и.], 2006. - 160 с. : табл. - Библиогр.: с. 153
12. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси: 2004 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан: Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент : Адолат, 2004. - 144 б.
13. ШНҚ 1.03.01-03 Корхона, бино ва иншоотлар қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, маъқулланиши ва тасдиқланиши, расмий нашр: Тошкент, 2003 й.
14. ШНҚ 1.03.10-06 Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш режалаштириш ҳужжатларнинг таркиби, уларнинг ишлаб чиқаришни келишиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Йўриқнома, Тошкент, 2006 й.
15. ШНҚ 2.01.02-04 Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги, расмий нашр:Тошкент, 2004 й.
16. ШНҚ 2.07.01-03 Шаҳарсозлик, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини қуриш. расмий нашр: Тошкент, 2003 й.

17. ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг хаёти ва фаолияти мухитини ногиронлар эхтиёжлари ва ахолининг камхаракатланувчи гурухларини хисобга олган холда лойихалаш” расмий нашр: Тошкент, 2007 й.
18. ШНҚ 3.01.01-03 Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, расмий нашр: Тошкент, 2003 й.
19. ҚМҚ 2.01.01-04 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар», расмий нашр: Тошкент, 2004
20. ҚМҚ 01.02.00 Курилишда хавфсизлик техникаси, расмий нашр: Тошкент, 2000 й.
21. ҚМҚ 2.01.03-98 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш» Тошкент, 1998
22. ШНҚ 2.08.01-05 Турар жой бинолари, расмий нашр: Тошкент, 2005 й.
23. Сборник методик по расчету выбросов в атмосферу загрязняющих веществ, Госкомгидромет, Л, 1986
24. Инструкция по проведению инвентаризация источников загрязнения и нормированию выбросов загрязняющих веществ в атмосферу для предприятий Республики Узбекистан. Утвержден приказом Председателья Государственного комитета по охране природы от 15 декабря 2005 года №105
25. *www.ziyonet.uz*
26. http://www.irh.ru